

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ОПЕРАЦИОН ЦИКЛ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

*Қличев Бахтиёр Пардаевич,*

*Тошкент давлат иқтисодий университетини*

*мустақил тадқиқотчиси*

*e-mail: [klichev.baxtiyor@gmail.com](mailto:klichev.baxtiyor@gmail.com)*

*ORCID: 0000-0001-6938-7897*

**Аннотация.** Мазкур мақолада корхоналарда операция фаолиятида маҳсулотнинг операция цикли бўйича таҳлилий ишларнинг амалга ошириш масалаларини қамраб олган. Операция циклини аниқлаш ва уни қисқартиришда амалга оширилган ҳисоб-китобларда нисбий кўрсаткичлар, маълумотларни гуруҳлаш, мантиқий таҳлил усулларида фойдаланилган, ҳисоб-китоблар амалга оширилган ҳамда таҳлилий ечимлар берилган.

**Таянч сўз ва иборалар.** Ишбилармонлик фаоллиги, операция цикл, молиявий цикл.

Кўпмулкчилик ва эркин иқтисодий муносабатлар шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти барқарорлиги ва натижавийлигини оширишда амалга ошириладиган таҳлилий ишлар муҳим аҳамият касб этади. Корхоналар операция фаолияти таҳлилида хўжалик юритувчи субъект асосий фаолиятининг муҳим объектлари: меҳнат воситалари, предметлари ва меҳнат ресурсларининг таъминоти, ишлаб чиқариш, сотиш ва натижага эга бўлишдаги комплекс тизим ўрганилади.

Иқтисодий интеграция жараёнлари тезлашган даврда ҳар бир давлатдаги корхоналар ўз фаолиятларида экспорт ва импорт операциялари орқали харажатларни оптималлаштириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишлари мумкин. Жаҳон миқёсида ишончли бизнес ҳамкорларга эга бўлиш учун ҳар бир корхоналар барқарор ижобий молиявий ҳолатни таъминлаш, асосий даромад келтирувчи операция фаолият самарадорлиги бўйича мунтазам таҳлилий ишларни амалга ошириб бориши зарур (Қличев Б., 2023 а).

Самарали баҳо сиёсати корхона даромадини ошириш билан бир қаторда, унинг ишбилармонлик фаоллиги (business activity) кўрсаткичларини, шу жумладан, компания операция фаолияти самарадорлигининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари ўсишига ҳам ижобий таъсир қилади. Эркин баҳолар ва юқори даражадаги рақобат шароитида ташкилотнинг бизнес фаоллигини баҳолашнинг аҳамияти унинг молиявий ҳолатини ўрганишда, стратегик режа ва ривожланиш истиқболларини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади (ҚличевБ., 2022).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми бўйича таҳлилий ишларда оператив структуравий ўзгаришларни амалга ошириб, талаб ошиб кетган маҳсулотларни (хизматлар) ишлаб чиқариш ва тез фурсатда бозорга етказиб бериш ва шу орқали нархлар ва тайёр маҳсулотлар қолдиғи ошиб кетмаслигини таъминлаш мумкин. Лекин йирик ишлаб чиқариш субъектларида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, маҳсулот таркибидаги структуравий ўзгаришларни амалга ошириш мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун йирик ишлаб чиқариш субъектларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ўртасидаги узвийликни таъминлаш, бўлимлар, ишлаб чиқариш цехлари ва марказлари ўртасидаги тезкор, ишончли ахборот алмашинувини ташкил этиш, жамоавий назорат, илмий ва амалий асосланган самарали бошқарув қарорлари орқали тайёр маҳсулотлар қолдиғини камайтиришга эришиш мумкин (Қличев Б., 2023 б).

Муаллифлар М.Тулаев ва Б.Қличевлар фикрича, хўжалик юритувчи субъектларнинг **операцион фаолияти таҳлили** – хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий фаолиятнинг умумий таснифи бўйича белгиланган асосий фаолиятида бизнесни ташкил этиш ва олиб боришда иқтисодий ресурслар билан етарли таъминланиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали харажатлар-ҳажм-фойда ўртасидаги оптимал муносибликни таъминлашда амалга ошириладиган таҳлилий ишлар мажмуи ҳисобланади (M.S.Tulayev, B.P.Qlichev, 2022).

Операцион фаолият таҳлилида ишбилармонлик фаоллиги кўрсаткичларини ўрганиш зарурлигини ишбилармонлик фаоллиги кўрсаткичлари орқали қўшимча қуйидаги таҳлилий кўрсаткичларни аниқлаш имконияти мавжудлиги билан изоҳлашимиз мумкин:

- операцион цикл
- молиявий цикл.

Операцион цикл – маҳсулот ишлаб чиқаришда материаллар келиб тушишидан бошланиб, материалларнинг тайёр маҳсулотга айланиши ва мазкур тайёр маҳсулотни сотишдан юзага келган дебиторлик мажбуриятларининг келиб тушишигача бўлган давр.

Молиявий цикл – корхонанинг товар-моддий захираларни молиялаштиришга йўналтирилган ўзига тегишли пул маблағларининг тўлиқ айланиш даври.

Операцион цикл қуйидагича ҳисобланади:

$$OЦ_{(кун\ ҳисобида)} = D_{(ТМЗ)} + D_{(деб.\ мажб.)}$$

Бу ерда:

OЦ – операцион цикл;

$D_{(ТМЗ)}$  – товар-моддий захираларнинг айланиш даври;

$D_{(деб.\ мажб.)}$  – дебиторлик мажбуриятларининг айланиш даври.

Молиявий цикл қуйидагича ҳисобланади:

$$MЦ_{(кун\ хисобида)} = D_{(TMЗ)} + D_{(деб.\ мажб.)} - D_{(кред.\ мажб.)}$$

Бу ерда:

MЦ – молиявий цикл;

$D_{(кред.\ мажб.)}$  – кредиторлик мажбуриятларининг айланиш даври.

1-жадвал.

**2018-2022 йилларда “Оҳангаронцемент” АЖ да цемент маҳсулоти  
бўйича операцион цикл таҳлили**

Т/р	Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	Йиллар				
			2018	2019	2020	2021	2022
1.	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми	тонна	1623970	1885669	1612648	2015948	1998944
2.	Маҳсулот сотишдан тушум	млн. сўм	689824	825706	920048	1012169	1011161
3.	Дебиторлик мажбуриятлари	млн. сўм	102717	76670	146736	60917	95707
4.	Оборотга жалб қилинган кредиторлик мажбуриятлари	млн. сўм	13509	66768	66474	77849	87456
5.	Ишланган иш кунлари	кун	322	334	304	337	335
6.	Товар-моддий захираларнинг айланиш даври (4/1)	кун	19,8	17,7	18,8	16,7	16,8
7.	Дебиторлик мажбуриятларининг айланиш даври (3*360/2)	кун	53,6	33,4	57,4	21,7	34,1
8.	Кредиторлик мажбуриятларининг айланиш даври (4*360/2)	кун	7,05	29,1	26	27,6	31,3
9.	Операцион цикл (6+7)	кун	73,4	51,1	76,2	38,4	50,9
10.	Молиявий цикл (9-8)	кун	66,35	22	50,2	10,8	19,6

“Оҳангаронцемент” АЖ да ишлаб чиқариш ва бошқа харажатларнинг нотекис ўзгаришига эга бўлганлиги ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ҳам турлича бўлганлиги 2018-2022 йилларда цемент маҳсулоти бўйича операцион циклнинг турлича бўлишига таъсир кўрсатган. Ҳар юз минг тонна цемент ишлаб чиқаришда товар-моддий захираларнинг тайёр маҳсулотга

айланиш даври 2018-2022 йилларда деярли бири-бирига яқин бўлган бўлсада, дебиторлик мажбуриятлари ўзгариши ва дебиторлик мажбуриятларинг айланиш даври турлича бўлган. Масалан, охириги 2022 йилда товар-моддий захираларнинг тайёр маҳсулотга айланиш даври 16,8 кунни ташкил қилган бўлса, пулга айланиш даври ушбу даврга нисбатан 3,02 (50,9/16,8) мартага кўп ёки 50,9 кунни ташкил қилган. Шу давр ичида корхона 19,6 кунни оборотга жалб қилинган ўз маблағларини қоплаш учун, қолган 31,3 кунни мажбуриятларини қоплаш учун сарфлаган. 2021 йилдан нисбатан таққослайдиган бўлсак, товар-моддий захираларнинг айланиш даври бўйича ҳам, дебиторлик мажбуриятларининг айланиш даври бўйича ҳам, кредиторлик мажбуриятларининг айланиш даври бўйича ҳам ва операцион цикл бўйича ҳам салбий ўсиш борлигини кузатишимиз мумкин. Жадвал маълумотларидан кўринадикки, маҳсулот ишлаб чиқаришга жалб қилинган ўз оборот маблағларининг 2021 йилда 2,3 марта, 2022 йилда 3,02 мартага секин пулга айланиши, табиийки, оборотга қўшимча маблағлар жалб қилиш заруриятини юзага келтирган. Ушбу зарурият жамиятда кредиторлик мажбуриятларининг 2021-йилда 2020-йилга нисбатан 17% га ( $77849 \cdot 100 / 66474$ ), 2022-йилда эса 2021-йилга нисбатан 12% га ( $87456 \cdot 100 / 77849$ ) ўсишига нисбатан таъсир кўрсатган. Мазкур натижалар жамиятда операцион циклни қисқартириш, маблағлар айланишини тезлаштириш бўйича самарали бошқарув қарорлари қабул қилиниши лозимлигини кўрсатиб беради.

Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида мазкур ҳолат бўйича дебиторлик мажбуриятларига ўз вақтида тўлов қилиниши учун чегирмалар бериш ва шу орқали операцион циклни қисқартириш ҳамда бу қисқартириш натижасида бўшаган пул маблағлари орқали кредиторлик қарзларига бўлган заруриятнинг бир қисмини қоплаш имкониятини юзага келтириш таклиф қилинган.

Дебиторлик мажбуриятларига чегирмалар бериш орқали операцион циклни қисқартириш бўйича таклифимизда 2 босқичда таҳлилий ишлар амалга оширилади.

1. Дебиторлик мажбуриятлари учун мақбул тўлов муддати белгиланади.

2. Ушбу муддатда тўлов амалга оширилгандан сўнг кўрилиши мумкин бўлган нисбий иқтисоддан маълум бир қисмини чегирма сифатида берилишини белгилаб қўйиш.

2019-2022 йилларда “Оҳангаронцемент” АЖ да тайёр маҳсулот сотилганидан сўнг 25-30 кун оралиғида дебиторлик мажбуриятлари ундирилмаса оборотга қўшимча маблағлар жалб қилиш мақсадида қарз маблағларини олиш бўйича қарорлар қабул қилинганини кузатишимиз мумкин. Демак, операцион циклни қисқартириш бўйича таклифимизнинг биринчи босқичида тўлов муддатини 1 ой сифатида белгилашимиз мумкин.

2-босқичда нисбий иқтисодни аниқлашда айланма маблағларни тўлдириш учун мамлакатимизда фаолият олиб бораётган банклар томонидан таклиф этилаётган кредитлар бўйича амалга ошириладиган харажатлардан келиб чиқиб ёндашишни таклиф этамиз.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қличев Б. (2023 а). Операцион фаолият таҳлилини ташкил этиш масалалари. World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>;
2. Қличев Б.П. (2022 а). Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили. “Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар”, ISSN: 2181-0567, 4 (20)-сон, 170-175, УЎК: 338.4 (575.1) <https://ifmr.uz/journals/18>;
3. Қличев Бахтиёр Пардаевич (2023 б). Хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолиятида ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 2, April 2023. ISSN: 2181-1016, <http://interfinance.tfi.uz/?p=2696>
4. M.S.Tulayev, V.P.Qlichev, (2022). Moliyaviy hisob. (Darslik). ISBN 978-9943-8915-9-3, УО‘К: 657(075.8)
5. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА КОРПОРАТИВНЫХ ОБЛИГАЦИИ: ОБЯЗАТЕЛЬСТВО ИЛИ КАПИТАЛ. In Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции (pp. 146-154).
6. О.Худойоров (2017) Importance of credit risk management in banks. Экономика и бизнес: теория и практика № 5. <https://cyberleninka.ru/article/n/importance-of-credit-risk-management-in-banks>
7. О. Бозорова. (2023). ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНГИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 24–29. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2779>
8. Холикулова, Ю. (2023). Iqtisodiyotimizda transport-logistika xizmatlari tashkil etilishi va uning rivojlanishi. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(02), 122–126. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp122-126>
9. О.О.Худоёров, & Х.Х.Гойипов. (2023). ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ. World Scientific Research Journal, 12(2), 244–253. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2555>

10. Саидова, У. (2020). EXTERNAL ECONOMIC ACTIVITIES OF UZBEKISTAN: PROBLEMS AND SOLUTIONS. <https://scienceproblems.uz/index.php/journal/article/view/16>
11. Saidova, O. R. (2020). ISSUES OF IMPROVING THE FOREIGN TRADE OF UZBEKISTAN. *Economics and Innovative Technologies*, 2020(2), 12. <https://core.ac.uk/download/pdf/336867043.pdf>
12. О.О.Худоёров, & Ш.О.Ғозоров. (2023). МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАРИНИНГ ЎРНИ. *World Scientific Research Journal*, 12(2), 254–262. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2556>
13. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. *Экономика И Образование*, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)
14. Султанов, М., & Ахмедова, З. (2023). ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТИТОРЛАР ОРКАЛИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ. Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка, 12–14. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/18953>
15. Султанов, М. (2020). Значение стоимости чистых активов как показателя, отражающего привлекательность инвестиционных фондов. *Экономика и инновационные технологии*, (5), 115–122. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11782](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11782)
16. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . *Образование наука и инновационные идеи в мире*, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>
17. Абдуллаевич Қ.М. *Central European Management Journal*. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.
18. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ . *World Scientific Research Journal*, 12(3), 3–12. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2558>
19. Назарова Муслима Назаровна. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ . *World Scientific Research Journal*, 12(2), 214–228. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2552>



20. Khaitov, S. S., Nazarova, M. N., Urmonbekova, I. F., Xoliquiliva, Y. P. Q., & Bozorova, O. R. (2023). Mechanisms of Development of the Country's Economy through Bank Loans. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 3(4), 9–15. Retrieved from <http://www.inovatus.es/index.php/ejine/article/view/1575>
21. Назарова, М. (2022). ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ МИКРОКРЕДИТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И АНАЛИЗ ИХ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ. Экономика и образование, 23(4), 73–80. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/566>
22. Shadibekova Dildor, Nosirova Nargiza, Bozorov Ilyos, Berdiyeva Uguloy. (2020) Prospective Development Analysis of Small Business and Entrepreneurship of Uzbekistan. Test Engineering & Management. March-April 2020 ISSN: 0193-4120 Page No. 1733-1743 <http://www.testmagzine.biz/index.php/testmagzine/article/view/3815/3347>
23. Тулаев, М. (2022). МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1181>
24. Тулаев, М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. Экономика и инновационные технологии, (5), 52–60. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12137](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137)
25. Бозоров Ильёс Исомиддинович, & Эргашова Сабрина Кузимураатовна. (2023). МАМЛАКАТДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ЖОЗИБАДОРЛИГИ ВА УНИ МОЛИЯЛАШ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИ . ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 108–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2789>
26. Назарова, М. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ФАОЛИЯТИ: [https://doi.org/10.55439/ЕСЕD/vol23\\_iss3/a11](https://doi.org/10.55439/ЕСЕD/vol23_iss3/a11). Экономика и образование, 23(3), 71-78.
27. Салимов Шерзод Бахтиёрович. (2023). Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес корхоналарини венчур капитали орқали инновацион фаолиятини молиялаштириш. World Scientific Research Journal, 12(2), 229–236. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2553>
28. Салимов, Б., & Салимов, Ш. (2023). Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадлари ва ривожланиши. The Innovation Economy, 1(01), 14–19. Retrieved from <https://ojs.qmii.uz/index.php/ej/article/view/354>

29. Xoliqulova, Y. (2022). STEPS IN THE PROCESS OF DENATIONALIZATION AND PRIVATIZATION OF PROPERTY IN UZBEKISTAN. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(6), 6–10. Retrieved from <https://ojs.rmasav.com/index.php/ojs/article/view/368>
30. Ibragimova I., Tursunov U., Nosirov A. Auditing of financial reporting in the republic of Uzbekistan.// *International Journal of Management, IT & Engineering- Vol. 9 Issue 7, July 2019, ISSN: 2249-0558*
31. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 170 – 173, <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
32. Ibragimova Iroda Rashid qizi (2023). Problems of planning the external audit process in commercial banks. *International Journal of Management, IT & Engineering. Vol. 13 Issue 05, May 2023, ISSN: 2249-0558, [https://www.ijmra.us/project%20doc/2023/IJME\\_MAY2023/IJMIE2May23\\_Uzb.pdf](https://www.ijmra.us/project%20doc/2023/IJME_MAY2023/IJMIE2May23_Uzb.pdf)*
33. Бозорова Озода Рахимовна. (2023). МАМЛАКАТИМИЗДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ . *World Scientific Research Journal*, 12(2), 178–185. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2548>
34. Yusupova F., Abdullaeva S. Prospects for the Development of Dairy Farming of Dekhkan Farms in Uzbekistan // *Бюллетень науки и практики*. 2022. Т. 8. №8. С. 88-96. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/81/14>
35. Amonovich, T. S., Alijonovich, A. Z., Abdullaevich, K. M., & Solijanovna, A. S. (2022). Impact of Taxes on the Bank's Profit. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SPECIAL EDUCATION*, 37(3).